



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 210 (8700).

1985 йил

1 ноябрь

жума

Баҳоси 3 тийин.

Халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари! Юсак сифатли маҳсулот ишлаб чиқарингиз! Совет маркази ша- рафи учун курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябр Чакриқаридан).

ЧОРВАЧИЛИК-ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚИШЛОВ МАВСУМИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозни раҳбарлиги, партия комитети, касабаси союз ва комсомол ташкилотларининг 1985—1986 йиллардаги қиш мавсумида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область агро-ноат бирлашмасига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ва бошлангич партия ташкилотларига Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг 1985—1986 йилги чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш соҳасидagi қимматли ташаббусини кенг муҳокама қилиш ва оммалаштириш топшириди, асосий диққат-этиборни жамоат чорва-

чилиги озуқа запасларини тўдириш юзасидан олиб борилаётган ишларни қўчатиришга, ферма ва комплексларнинг коллективларига чорва қишловини намунали ўтказишларини таъминлаш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга, улар ўртасида гўшт, сут, тухум етиштириш сўратларининг юқори бўлишига эри- шилари учун социалистик мусобақани авж олдириб, таъсирчанлигини қўчати- ришга қаратиш лозим.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, редакциялари, об- ластий радиоси ва телевидениеси 1985—1986 йиллардаги чорва қишлови даврида энг яхши кўрсаткичларга эриш- ган чорвадор коллективларини тажри- баларини ва социалистик мусобақанинг ташкил этилишини мунтазам ёритиб бо- риш топшириди.



ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ПРОГРАММАСИ

БАРЧА совет кишилари қатори об- ластимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг октябр (1985 йил) Пленуми қарорига мувофиқ матбу- отда эълон қилинган КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасини ўрганишга киришдилар. Саноат корхона-

лари, қурилиш ва транспорт ташкилот- лари, хўжаликлар, муассасаларда Про- грамма лойиҳасини ўқиш, тушунириш ишлари олиб боришмоқда.

Коммунистлар, барча меҳнаткашлар Программа лойиҳасида социализмни

плани равишда ва ҳар томонлама та- комиллаштириш, мамлакатни социал-и- тисодий ривожлантиришнинг жадаллашти- риш негизда совет жамиятини комму- низм сари янада олга ендиритиш юзаси- дан белгиланган назарий ва сиёсий йўл- йўриқларни маъқулламоқдалар.

Областимиз саноат корхо- налари, қурилиш ва транс- порт ташкилотлари, хўжа- ликлар, муассасалар меҳ- наткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги тахрирдаги лойиҳаси билан қизиб танишмоқда- лар. Меҳнат коллективлари- да бу муҳим ҳужжатни бир- галикда ўқиш йўлга қўйил- ган. Суратда: Тошкент «Во- доканал» трестининг Қибрай водопровод иншооти про- пагандисти П. В. Буйлов иш- чи-хизматчиларга партия- нинг янги тахрирдаги Про- граммаси лойиҳасини ўқиш бермоқда.

А. Зуфаров фотоси.

ЭНГ МУҲИМ МАВЗУ

Матбуотда эълон қилин- ган партиянинг янги тах- рирдаги Программаси лойи- ҳаси биз, пропагандистлар учун энг муҳим сиёсий ҳужжатдир. Партия сиёсий маорифи шохобчаларида дастлабки машғулотлар ҳам ана шу тарихий ҳужжатни ўрганишга бағишланади.

Программа лойиҳасида КПСС барча совет киши- лари маркс-ленинча таъли- моти чуқур эгаллаб олиш- лари тўғрисида, ўзларининг сиёсий маданиятларини оши- ришлари, партиянинг сиёса- тини ишлаб чиқишда онгли иштирок этишлари ва уни фаоллик билан ҳаётга та- биқ қилишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қила бо- риш, деб таъкидланади.

Партия сиёсий ўқуви ана шу мақсадларга хизмат қи- лади. Янги йўл йилида КПССнинг янги тахрирдаги Программасини ҳар тараф- лама чуқур ўрганишга ало- ҳида эътибор берамиз.

М. ИЗЗАТОВ,
Оқдўғрон районидagi
Вотинцев номидаги колхоз
пропагандисти.



МУСОБАҚА ТАКОМИЛЛАШАДИ

КПСС Программаси лойи- ҳасини барча қатори совхо- зимиз чорвадорлари ҳам зўр қизиқиб билан ўрганишмоқда- лар. П. Ф. Ароқий, Т. Со- гинбоев, Б. Ю. Ильев каби озгача сиёсий агитация кадр- ларимиз ўз суҳбатларида ло- йиҳада қўйилган вазифалар- ни омма ўртасида кенг шарҳ- лаб бермоқдалар.

Коллективизмда 1100 дан ортиқ ишчи, инженер- техник ходим, хизматчи меҳ- нат қилмоқда. Улар мусоба- қанинг у ёки бу формасига тўла жалб этилган. Мусоба- қа туғайли кейинги йиллар- да давлатга гўшт сотиш 38,9 процент, сут сотиш эса 13 процент кўпайди. Ҳозирги кунда коллективизм эъти- борни чорва қишловини ҳар томонлама намунали ўтқа- зишга, партиянинг янги тах- рирдаги Программаси лойиҳасида

жаҳд XXVII съездин муноси- би меҳнат совалари билан кўтиб олишга қаратилган.

Лойиҳада социалистик му- собақани ривожлантиришга партия муттасил аҳамият бе- риб келаётганлиги таъкид- ланган. Бу тўғри гап. Совхо- зимиз партия ташкилоти ҳам мусобақани ташкил этишга алоҳида эътибор билан қара- моқда. Мусобақа илгорида моддий ва маънавий жиҳат- дан рағбатлантирилмоқда. Бундан бўён ҳам биз мусоба- қа формаларини янада та- комиллаштириб борамиз. Бу- тун эътиборни партия қўёт- ган вазифаларни бажаришга қаратамиз.

К. ҚУТИБОЕВ,
Охангарон районидagi
«Галлақудуқ» совхози
партия комитетининг
секретари.

ОЛДИМИЗДА КАТТА ВАЗИФАЛАР

КПССнинг янги тахрирда- ги Программасини корхона- мизнинг барча ишчи-хизмат- чилари зўр қизиқиб ва иш- ҳоҳияда мамнуний билан ўқиб ўрганишмоқдалар. Унинг ҳар бир сатрида олам-олам маъно бор. Унда амалга оширилиши назарда тутил- ган беғис бунёдкорлик ре- жалари мамлакатимиз куч- кудратини янада мустаҳкам- лаш, халқимиз фаровонлиги- ни мисли кўрилмаган дара- жада оширишга қаратилган.

Нурхонамиз энергетик- лари бу Программа лойиҳа- сини тўла маъқулламоқда- лар. У ишчиларимизнинг меҳнат қайратини янада авж олдириб юборди. Шу кун- ларда барча цехлар ва участкаларда жуда катта меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурмоқда.

Коллективизмиз ўн бирин- чи йиллик ва унинг якуновчи йилида самарали ишламоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган соци- алистик мажбуриятлар доим шараф билан уйдаланмоқда. Шу давр мобайнида қўшим- ча миллионлаб киловатт-со- ат электр энергияси ҳосил қилинди. Энергетиками- з эришилган бу ютуқлар- ни янада мустаҳкамлаш, КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасида

экономикани ривожлантириш бўйича қўйилган кенг миёс- ли вазифаларнинг муваф- фақиятли амалга оширили- шига муносиб ҳисса қўшиш- ни дилларига мустаҳкам жо қилиб олдилар. Шунинг учун ҳам барча ишлаб чиқариш бўлимларида социали- стик мусобақа янги куч би- лан авж олиб кетди. Биз зарбдор ва унумли меҳнати- миз билан оца-Ватанин хуш- нуд этишга интилаверамиз.

И. МУСЛИМОВ,
Тошкент ГРЭСининг
катта энергоблок маши- нисти, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони.

ТАДБИРЛАРИ

ЧИНОЗ районидagi «Ок- тибр 40 йиллиги» колхоз меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Ком- партияси XXI съездини му- носиб кўтиб олиш учун бош- ланган мусобақани қўчати- риш, давлатга пахта, галла, сабзавот, пилла сотиш юза- сидан белгиланган ўн бирин- чи йиллик планларининг муддатидан илгари бажари- лишини таъминлашди.

Айни кунларда пахтакорлар те- римин қизғин давом эттири- моқдалар ва социалистик мажбуриятларини ҳам қисқа муддатларда бажариш учун кураш олиб бормоқдалар.

Чорвадорлар ва озуқакор- лар фидокорона меҳнат қил- моқдалар. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ва тўққиз ойи давомида давлатга гўшт топшириш плани 150 про- цент, сут 141 процент, ту- хум 145 процент бажарил- ди. Фақат ўтган йилнинг ўзидagina чорвачилик маҳ- сулотларини сотиш эвазига 212 минг сўм фойда олинди. 1985 йилнинг ўтган тўққиз ойи якунларига кўра 1984 йилнинг шу даврига нисба- тан ҳар беш соғин ситирдан олтинга сут 102 килограмм- дан кўпайди ва 2502 кило- граммга етди. Гўшга тош- тирилган ҳар беш қорамол- нинг ўртача вазни 431 кило- граммин ташкил этди.

Чорвадорлар КПСС Мар- казий Комитетининг 1985 йил октябр Пленуми қарор- ларини амалга ошира бориб ва Бутуниттифоқ социали- стик мусобақасига актив қў- шилиб, 1985—1986 йилги чорва қишловини намунали ўтказишга ва қишлоқ хўжа- лиги ишлаб чиқаришининг бу муҳим тармоғини янада ривожлантиришга аҳд қилди- лар.

Қиш мавсумида давлатга гўшт топшириш планини 140 процент, сут планини 130 процент, тухум планини 104 процент бажарилиш таъмин этилади. Чорва моллари ва

паррандалар бош сони кў- пайтирилади. 1984—1985 йилги қиш мавсумига нисба- тан ҳар беш соғин ситирдан олтинга сут 98 кило- граммга оширилиб 2100 ки- лограммга етказилди. Дав- латга топширилган қорамол- нинг ўртача вазни 450 килограммин ташкил этди. Гўшт, сут, тухум етиштириш тўрт процент кўпайтирилади.

Белгиланган бу марралар- ни эгаллаш учун колхозда ташкилий хўжалик тадбир- лари комплекс ишлаб чи- қилди ва амалга оширилмоқ- да.

Ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган брига- да кучи билан 1860 тонна сифатли дағал озуқа, 2048 тонна силос тайёрланди. Бу ҳар беш шартли молга нис- батан 25 центнердан озуқа берилгани ёки умумий эҳти- ёжда нисбатан 125 процент озуқани ташкил этади. Ха- шак давлагини йиғиштириб олиш ва ўраларга жойлаш ишлари давом этмоқда. Ҳар гектаридан камид 600 цент- нердан ҳосил олинади. Чор- ва моллари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида улар- ни кўк озуқа билан таъмин- лаб муддатли ноябрий оғирини биринчи ўн кунлигига қадар узайтирилади.

Чорва озуқасидан юқори унум билан фойдаланилади. Бунинг учун махсус эвено ташкил этилган бўлиб, у озу- қани майдалаш ва қайта иш- лов бериш билан шугуллан- ади. Озуқа пехи пухта сола- дагил қўйилган. Мажмуд барча дағал ва ширали озуқалар чорвага фақат қайта ишлов- дан чиқарилиб, аралаштири- либ, турли витаминлар ва минерал моддалар билан бойитилган ҳолда едирилади.

Чорвачилик бинолари ва хоналар тўла ремонтдан чи- қарилиб, дезинфекция қи- линди ва иситилди. Атроф тозаланди. Чорва моллари ва паррандалар эмланиб, ве-

теринария ишловидан ўтқа- зилди.

Чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар кишини иссиқ кийимлар ва коржомалар, керакли жи- латга билан таъминланган. Дам олиш хонаси, қизил бур- чак ишлаб турпти. Иссиқ овқат ташкил этилган. Сут соғиш қўрилмалари, хона- ларни тозалашдан ва озуқа тарқатидан механизм- ларнинг узлуксиз ишловини таъминлаш мақсадида бош мутахассислар ва слесарь- созловчилардан иборат нав- батчилар узлуксиз иш олиб борадилар.

Колхоз правлениеси, бош- лангич партия ташкилоти, касабаси союз ва комсомол ташкилотлари қиш мавсуми- да чорва моллари ва парран- далар маҳсулдорлигини кў- пайтиришда энг юқори кўрсаткичларга эришилди, гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш планилари- нинг муддатидан илгари ба- жарилиши, насл олишнинг кўпайтириш ва яхши сақлаб қўлинишини таъминлаш учун ўтказиладиган соци- алистик мусобақанинг шарт- ларини ишлаб чиқиш, тасдиқ- ладилар.

Ушбу тадбирлар хў- жалик ишлаб чиқариш бўлимларида коллектив- ларининг йиғилишлари- да муҳокама этилиб, колхоз правлениеси, партия комитети, касабаси союз ва комсомол комитетларининг қўш- ма йиғилишида қўриб чиқилиб тасдиқланди.



ОБЛАСТЬ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ОБЛАСТИМИЗ пахтакор- лари Улуғ-Октябр соци- алистик революциясининг 68 йиллигига муносиб меҳнат совгалари билан бормоқда- лар. Улар 30 октябрда маши- на термини планини муддат- дан илгари бажардилар. Тай- ёрлов пунктларига «зағирго- кема» лар ёрдамида 270 минг 180 тонна пахта етқа- зиб берилди.

Дала гвардиячилари му- ваффақиятга Ғалаба райо- ни механизаторлари салмоқ- ли ҳисса қўшдилар. Бу рай- онда машина термини плани 136,97 процент бажарилиб ва агрегатлар билан 51.090 тонна пахта терилди. Бу — бутун мавсум давомида те- рилган пахтанинг 90 про- центини ташкил этади.

Коммунистик, Янгийўл,

Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оққў- рғон районларининг меҳнат- қайишлари ҳам яхши натижа- ларга эришилди ва маши- на термини планини анча ор- тини билан бажардилар.

Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номида, Терешко- ва номи, Ғалаба районидан Свердлов номи, Ленин номи, «Заря коммунизма» кол- хозлари, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозини, Бўка районидан Тимирязев номи, «Октябрь 40 йиллиги», Коммунистик районидagi «Ленинский путь» колхозла- ри ва бошқа бир қатор хў- жаликлар терим машинала- ридан, айниқса, унумли фойдаландилар.

Ғалаба районидagi «Ўзе- бекистон ССР 5 йиллиги» сов- хозидан С. Шералев, Сверд-

лов номи колхоздан У. Фармонов, «Заря коммуниз- ма» колхозидан В. Ким, Ўрта Чирчиқ районидagi Охун- бобоев номи колхоздан Р. Абдуразақов, И. Тожику- лов, Бўка районидagi Тимир- язов номи колхоздан А. Асоров, «Октябрь 40 йил- лиги» колхозидан С. Усеи- нов, Оққўрғон районидagi «Оққўрғон» совхозидан М. Ковешников ва бошқа жуда кўп механизм-ҳайдовчилар меҳнатда қаҳрамонлик наму- наларини ва юксак маҳорат- ларини намойиш этдилар.

Дала гвардиячилари зарб- доларча меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар. Улар далада қолган ҳосилни тез- роқ йиғиб-териб олишда куч- ғайратларини аямай сарфла- моқдалар.

этилишга муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжалик аъзола- ри ҳосилдорлиқни 33 цент- нерга етказиш мажбуриятини олганлар.

ТИМИРЯЗОВ НОМИ колхоздagi мажмуд 18 та пахтачилик бригадасининг 13 таси социалистик мажбуриятини ҳам бажариб, оширил- ган мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда. Қуни кеча колхознинг Файза Рузи- кулов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, со- циалистик мажбуриятларини бажаришди. Эндиликда мажбурият аъзолари 40 центнерлик марра учун ку- рашмоқдалар.

◆ КОММУНИСТИК РАЙОНИ

КАРЛ МАРКС номи колхоз пахтакорлари зимма- ларидаги юксак социалистик мажбуриятларини ҳам ша- раф билан бажардилар. Ҳар гектар ердан 32,5 цент- нердан «оқ олтин» йиғишти- ришди. Давлатга 1812 тоннадан ортиқ пахта сотил- ди. Бу ҳосилнинг 85 процен- ти машиналар ёрдамида те- риб олинди. Турғун Хола- тов, Қаримбой Туронқулов сингари механизм-ҳайдовчи- лар ўз агрегатлар бункери- дан 140—170 тоннадан опи- риш пахта тўкиб, Ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар.

◆ ҒАЛАБА РАЙОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 5 йиллиги» совхози азаматла- ри беш йиллик планини ба- жардилар. Икки оғезд бора-

лигиди совхозда пландаги 62 минг 900 тонна ўрнига 63 минг 462 тонна пахта топ- ширди, ҳосилдорлик 35,4 центнерга етказилди. Шу кунларда мажмуд 3433 гек- тар майдондан пландаги 10 минг 900 тонна ўрнига 12 минг 900 тонна ҳосил олган хўжалик пахтакорлари бу йилги социалистик мажбу- риятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Собир Шерали- ев, Сабир Карагул, Тўқчи Эрзабаров каби механизм- ҳайдовчилар теримда пешқа- давлик қилмоқдалар. Сов- хоз пахтакорлари ҳосилдорли- қини 37 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

КИРОВ номи колхоз- да ҳар гектар ердан 33 цент- нердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга пландаги 4543 тонна пахта топширил- ди. Умумий ҳосилнинг 92 процентини хўжалик меха- ник-ҳайдовчилари териб бердилар. 76 процент пахта биринчи сорта сотилди. Эндиликда колхоз деҳқонлари ҳосилдорлигини гектар боши- га 39 центнерга, яъни хир- монларини эса 5360 тоннага етказиш учун курашмоқда- лар.

◆ ЧИНОЗ РАЙОНИ

РАЙОНДА биринчилар дан бўлиб йиллик планини бажарган Навоий номи кол- хоз пахтакорлари юксак со- циалистик мажбуриятларини ҳам адо этдилар. 810 гектар майдоннинг ҳар гек- таридан пландаги 34,2 цент- нер ўрнига 36,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ота-Ватанга 2650 тоннадан анёд пахта етказиб берилди.

Ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиққан колхоз деҳ- қонлари ҳосилдорлиқни гек- тар бошига 38 центнерга ет- казиш юзасидан оширилган мажбурият олишди.

◆ ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

РАЙОНДАги икки хў- жалик — «Ленинизм» ва «Интернационал» колхозла- ри дастлаб дондан ошди- лар. «Ленинизм» колхози пахтакорлари 1125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан пахта йи- гиштириб олиб, қабул пункт- ларига 3555 тонна «оқ ол- тин» топширишди. «Инте- рнационал» колхоз деҳқон- ларининг уйған хирмонлари 2743 тоннадан ошиб кетди. Бу хўжаликда умумий ҳо- силнинг 90 проценти «зағир- ги кема»лар бункеридан тў- килди.

◆ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

ЎЗ САФЛАРИГА саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳала- ри вакиллари бирлаштир- ган «Факель» комсомол-еш- лар бригадаси «Ленин йўли» колхоз пахтакорлари билан ёнма-ён туриб ишламоқда- лар. Район комсомол комите- ти инструктори Рустам Ҳа- мидов етакчилиги қилётган 70 кишилик бу отряд шу кунгача 100 тонна «оқ ол- тин» терди. Отряд аъзолари- дан Маъруба Турдиқулова ва Юлдуз Раҳимовалар те- римда пешқадамлик қилмоқ- далар. Уларнинг ҳар бири мавсум бошидан бўён 5—6 тоннадан пахта топширди- лар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 31 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи устуи — районлар; иккинчи устуи — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устуи — мавсум бо- шидан бўён; тўртинчи устуи — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устуи — мавсум бошидан бу- ён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

Янгийўл	0,55	105,27	0,82	107,97
Ғалаба	0,35	103,77	0,14	136,97
Чиноз	0,48	101,23	—	85,05
Коммунистик	0,44	98,73	—	117,72
Ўрта Чирчиқ	0,67	98,34	0,16	103,18
Пискент	0,92	97,78	0,18	94,30
Бўка	0,76	96,57	0,28	105,61
Оққўрғон	0,59	95,20	0,09	101,72
Бекобод	1,15	82,44	0,35	56,87

Область бўйича: 0,69 96,55 0,22 100,07

Республикаимиз областларида пахта тайёрлашнинг бори- шини тўғрисида маълумот (мавсум бошидан бўён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—101,04; Наман- ган—99,04; Хоразм — 88,81; Сирдарё — 87,51; Анди- жон — 85,15; Сурхондарё — 84,53; Қорақалпоғис- тон АССР — 83,11; Бухоро — 80,97; Жиззах — 76,11; Навоий—74,80; Самарқанд—70,21; Қашқадарё— 60,25. Республика бўйича—83,70.

◆ БУКА РАЙОНИ

РАЙОНДАги «Ленин- обод» колхози давлатга 2600 тонна пахта топшириб, йил- лик плани муддатидан илгари бажарди. 880 гектар май-

доннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғишти- ришди. Унинг 1890 тоннаси ёки 75 проценти машиналарда терилди. Ўз агрегатлари бункеридан

120—125 тоннадан пахта тўққан Яхшибой Абдуллаев, Нормурод Бобоев, Жаҳ- ҳар Қамров, Ҳайдар Жў- раев каби механизаторлар дастлабки довоининг забот

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 10 (282)

Область халқ контроли комитетида

ТАШАББУСКОР ГРУППА

ЧИРЧИҚ трансформатор заводи халқ контроли группасига 300 ишчи, инженер-техник ходим бирлашган. Улар иштирокида ўтган ойларда юздан ортиқ рейд ва текширув ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича 29 мансабдор шахс ҳисоб берди. Уларнинг 20 нафарига жамоатчилик танбеҳи берилди. Халқ контроли группаси материаллари асосида коллектив ўртасида йилгиликлар бўлиб ўтди.

Ўтган давр мобайнида назоратчилар ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш юзасидан 21 та тақлиф киритдилар. Фан-техника тарафидан янгилаштириш бўйича ўтказилган йилгиликлардан сўнг оғир қатор муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, таълимий-техникавий

планларни жорий этиш устидан назоратни янада кучайтириш кўзда тутилган. Ҳозир шу тадбир қандай ба-жарилаётгани текширилмоқда. Рейдларга қасбда союз комитети ва «Комсомол про-жектори» штаби аъзолари ҳам жалб этилмоқда.

Область халқ контроли комитети фан-техника тара-фидан янгилаштириш, фан ютуқларини ишлаб чи-қаришга жорий этиш бўйича трансформатор заводи халқ контроли группаси бошлаб берган ташаббусни ва назоратчилар белгиланган тадбирларни маъқуллади.

Чирчиқ шаҳар халқ контро-ли комитетига бу ташаббусни берча қорхоналар бўй-лаб кенг ёйиш, актив назо-ратчиларни рағбатлантириш туриш, группа ва постлар ишини ҳар томонлама жон-ланштириш вазифаси топши-рилди.

Советлар мамлакатининг гражданилари! Те-жамкорлик режими—социалистик ҳўжалик юритиш қонуни! Ҳамма соҳада тежамкор бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).



◆ ТОШКЕНТ мотор заводи халқ назоратчилари бунёдкор-лик ишларининг сифати учун курашмоқдалар. Суратда: назо-ратчилардан [чапдан ўнгга] В. Горлов, Л. Ким ва И. Садривалар курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини кўздан кичири-шяпти.

Х. Мирзақаримов фотоси

◆ АНГРЕНДАГИ «Резинотехника» заводи халқ контроли группаси маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича тез-тез рейд-лар ўтказиб турибди. Суратда: [чапдан] 1. ҳеч бошлиғи Я. Асқаров, халқ контроли бош группасининг аъзоси Г. Каримо-ва, назоратчи Т. Мусавалар маҳсулот сифатини текшириш-моқда.

А. Зүфаров фотоси.



«ОЛТИН БАЛИҚ» РОМ ЭТДИ

(АФСОҢА ЭМАС, БЎЛГАН ВОҚЕА)

Балиқчилар орасида қизиқ шов-шув тарқалди. Эмишчи, ҳавзаларда олтин балиқ пайдо бўлибди. У сув юзасига чиқ-қанда атрофда кумуш ранг жилвавлар ҳосил бўлар эмиш. Тўққинчи шарҳ ўйнаб, балиқ-лар бозм курашмоқда.

Шундан кейин ҳўжалик ра-баблари олтин балиқнинг изи-га тушибди. Ширин-ширин ҳавла-ларга берилишбди.

«Дамачи» балиқчилик ҳўжа-лиги раҳбарлари (директори И. Мирзоев, бош балиқчи П. Б. Ким) худди ана шу ол-тин балиқдан наҳот кутиб иш-ни ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Кейинги икки йиллик асосий техник-иқтисодий кўрсаткич-лар бўйича планлар бажарил-май қолди. Балиқ реализация қилиш плани 86,7 процентга қолдиб кетди. 315,6 минг сўм-лик маҳсулот кам етиштирил-ди. 1983 йилда 164 тонна, 1984 йилда эса 415 тонна қарп ба-лиғи топширилмади.

Олтин балиқ дардида юр-авериб, 25—27 гектар кўзда балиқ етиштирилмай қўйилди. Кейинги беш йил давомида 12 гектар қўлдан умуман фой-даланилмади.

Умуман 1984 йилда 1981 йил-га нисбатан балиқ етиштириш ҳар гектаридан 7,1 центнерга, умумий балиқ оlish эса 1657 центнерга қайтарилди.

Хомхўллик курсин, олтин балиқини бир амаллаб тутиб ол-сек бўлгани деб, янги тех-ника ва илгор технологияни жорий этиш ҳам эътибордан

четка қолди. Қанши ўрувчи техника бир бурчака ташлаб қўйилиб, ҳамма ёқни ўт босиб кетди.

Энди гапни Тошкент хонба-лиқ етиштириш тажриба-хўжа-лигидан (директори Л. Ф. Крупинов) эшитинг. Улар биз-нинг сувлар тиникроқ, олтин балиқ фақат шу сувларга ке-лиши мумкин, деган дарди ҳавла бўлишиди. Қўллари ҳам ишга бормай юрди. Натжидада 1981—1984 йилларда планлар барбод бўлди. Кўзда тутилган 19 тонна хонбалиқ кам етиштирилди.



Ҳавзаларда хонбалиқ етиш-тиришга эътибор бермай қўй-дилар. Хонбалиқ миқдори бу-жойларда 42 процентга тушиб қолди. Унинг ўрнига 20 гек-тарлик қўшима кўлда дўнг-пешона ва қарп етиштириш қўйилди. 1984 йилда пландаги 14 тонна ўрнига 5,6 тонна хон-балиқ етиштирилди. Янги план-бор-йўй 40,7 процентга ба-жарилади. Раҳбарлар ишининг че-ток бўлаётганини сезиб кейин



«БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ»

Газетанинг 10 октябрь со-нида юқоридаги сарлаҳда остида эълон қилинган рейд материалда Бекобод райо-нидаги бир қатор ҳўжалик-ларнинг дала шийпонларида термичи ва ҳашарчиларнинг мазмунли дам олишлари учун етарли шарт-шароит иратилмаганини таъкид қил-инган эди.

Район партия комитети ўтказган текширув давомида рейд мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Муҳомада «КПСС XXV съезди», Мавлонов номли, «Далварзин» соххозлари партия ташкилотлари секре-тарларига, қасба союз ко-митетлари раисларига дала шийпонларида меҳнаткаш-ларнинг маданий дам олиш учун зарур шарт-шароитлар иратиб бериш юзасидан қўш-имча тадбирлар белгиланган вазифаси топширилди.

Ҳозирги кунда шийпон-лардаги камчиликлар туга-тилган, меҳнаткашлар учун зарур шарт-шароитлар иратиб берилган. Шулар ҳақида ре-дакцияга Бекобод район пар-тия комитетининг секретари К. Ҳўррамова хабар берган.

НАЗОРАТГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

ҲИСОБОТДАН СЎНГ

ДЕПО халқ контроли группасининг йиллик пер-спектив планида ҳар ойда икки марта рейд ўтқа-зиб бориш асосий вазифа қилиб қўйилган. Шу планга мувофиқ октябрь ойида ўтказилган рейд-ларнинг бирида троллейбусларнинг техник жиҳат-дан соғлиғи, қишга тайёргарликнинг бориши текши-рилди.

Ушба кунин назоратчилар рейсга тайёрланган 16 та троллейбуснинг синчилик кў-ришиди. Текширув давомида троллейбусларнинг бирида пневмосистеманинг носоз-лиги аниқланди. Бу ҳол-гормоз системасининг ишон-ли ишлашига ҳалал берарди. Текширувда айрим троллей-бусларнинг ашиқлари яхши очилиб-ёпилмаслиғи, ташқи чироқларнинг бири ёниб, би-ри ёнимаслиғи, салонларда ўқиндиқлар тўла ремонтдан ўқиндиқларнинг ҳам маъ-лум бўлди.

Назоратчилар аниқлаган камчиликлар халқ контроли бош группаси йилгиликда қаттиқ муҳомада қилинди. Ўз вазифасига масъулият-сизлик билан қараб ишчи-ўз ҳолига ташлаб қўйган катта мастер М. Сатторов назоратчилар тақлиф бил-лан лавозимидан пасайти-рилди, бригада бошлиғи К. Қосимов эса селарлинка ўт-казилди. Олдин селарлар-дан ина бир неча киши му-қофотдан маҳрум этилди.

Халқ контроли группаси-нинг қишга тайёргарлик бў-лига ўтказган рейд ҳам са-марали бўлди. Текширув пайтида 5-б.ремонти бўли-маларида қишга тайёргар-лик қондиқаси ҳолда энгли-ни аниқланди. Эшик ва де-разалар ремонт қилинма-ган, ойналар солинмаган эди. 2-техник хизмати кў-рсатиш, механика, шиналар-ни алмаштириш участкала-рида ҳам қатор камчилик-лар кўзга ташланди. Рейд натижалари депо партия бю-росида муҳомада этилди. Камчиликларни бартараф-этиш юзасидан конкрет қар-орлар қабул қилинди. Улар ижроси қатъий назо-рат остига олинди.

Халқ назоратчиларимиз бундай рейдларни тез-тез ўтказиб турадилар. Улар-нинг натижалари умумий

йилгиликда, партия бюроси-да, маъмуриятда муҳомада этилапти, халқ контроли экрани орқали кўпчиликка маълум қилинапти.

Назоратчилар ишлаб чи-қариш билан бирга пасса-жирларга намунали маданий хизмат кўрсатиш масалала-ри билан ҳам яқиндан шу-ғулланмоқдалар. Улар жа-моат ташкилотлари вакилла-ри билан биргаликда трол-лейбуслар қатновини кузат-моқдалар. Билдирилган тақ-дирлар ва истақлари қучуқро-қ ўрганмоқдалар.

Яқинда назоратчилар бри-гадирлар совети ва қаранат хавфсизлиги комиссияси аъ-золари билан биргаликда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ўр-ғандилар. Унда айрим трол-лейбус ҳайдовчиларининг кабинадаги радиоқўрилма-дан фойдаланмаётганили-лари аниқланди. Шу бонс-дан ҳам А. Алимов, С. Эр-пашиев, В. Пронин каби ҳай-довчиларнинг олийк муқо-фотлари 25 процентга қис-қартрилди.

Халқ назоратчилари аҳо-лидан тушган сигналлар бў-йича ҳам рейдлар, текши-рувлар ўтказмоқдалар. Яқинда тажриба-механика ремонт экскаватор заводи ишчи-хизматчилари 10-маршрутдаги троллейбус-ларнинг қатнови пассажира-ларни қониктирмаётгани ҳақида шикоят қилдилар. Назоратчилар жамоат таш-килотларининг вакиллари билан қорхонага бориб ишчи-лар билан суҳбатлашдилар, уларнинг фикрларини ўр-ғанишди, сўнг 10-маршрут-га қўшима яна 2 та трол-лейбус қўйилди.

Халқ контроли группаси фаолиятини бундай мисол-ларни қўллаб келтириш мумкин.

Партия ташкилоти назо-ратчилар фаолиятини янада

активлаштириш устида ало-ҳида қўйилмоқда. Партия бюроси мажлисларида халқ контроли группасининг ҳа-қиботи бериб неча бор эъти-тилди. Гурпа фаолиятидаги камчиликлар таъкид қилинди, зарур йўлнамалар берилди. Халқ контроли группаси раиси В. Зюкинга рейдларга кенг жамоатчиликни жалб этиш, рейд натижаларини «халқ контроли экрани»да оператив тарзда ёритиб бо-риш лозимлиги ўқдириб ўтилди.

Биз бундан буён ҳам на-зоратнинг таъсирчанлиги учун курашавормиз. КПСС Программасининг янги таҳ-риратга лойиҳасида ҳам ў-қинилгандек, партия халқ контролининг таъсирчанли-гини оширишга фаол қўлла-нашади. У меҳнаткашлар-нинг халқ контроли орган-ларидида ишга уларнинг сиёсий етуқчилиги ва халқ манфаатларини ҳимоя қи-лишдаги фаолиятини ривож-лантиришнинг, ишга давлат нуқтани назаридан қараиш, халқ бойлигини тежаб-тер-ғаш ҳис-туйғусини қучайти-ришнинг муҳим формаси си-фатида қарайди.

КПСС Программаси ло-йиҳасида халқ контролига партиявий раҳбарлик қандай бўлиши шу тариқа аниқ ва равшан ифодаланган. Груп-па қанчалик актив бўлса камчиликлар шунчалик камайди, ютуқлар кўпаяди. Дарҳақиқат назоратчилар ҳиссаси билан депозити кол-лективни Тошкент трамвай троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коллективлари ўртасидан социалистик му-собадада бу йил икки марта галиб чикди. Коллективимиз ҳозир Улут Октябрь байра-мининг пассажирали ташини бўйича ўн биринчи беш йил-лик планини бажариш билан кутиб олиш учун курашмоқ-да.

Б. АБДУМҲИМОВ, Тошкент трамвай-трол-лейбус ишлаб чиқариш бошқармаси 1-троллей-бус депоси партия ташки-лотининг секретари.

ВАГОНЛАРНИ БЕҲУДА УШЛАБ ТУРМАНГ

У КИССАДАН БУ КИССАГА

Вагонлардан самарали фойдаланиш ҳақида ҳар йи-гиликда гап бўлади. Юкла-рини вақтида тушириб ол-маётган ёки юк ортиш жа-раёнини қўшиб юбораётган соҳилчиларга жарималар та-свирлади. Қани энди бу чо-ралар боқи беғам ўртоқ-ларга таъсир қилса. Нуқ, улар пинакларини ҳам бу-зишмайди. Чунки жарима қаҳқабларнинг киссасидан қўшмайдилар, давлат мабла-ғи у киссадан бу киссага ўтади, ҳолос. Агарда вагон-ларнинг беҳуда ушлаб қоли-нишига бевосита сабабчи бўлган кишилардан жарима ўқдириб олинганда эди, бун-дай ноҳус манзара оқиб бер-масди.


Ўтган давр ичида Ўзбеки-стон ССР қурилиш материал-лари министриги темирйўл-га 300 минг сўм, қурилиш министриги 200 минг сўм-ликка яқин, озиқ-овиқат са-ноати министриги қорхона-лари эса 400 минг сўмлик атрофида жарима тўлади-лар. Бу қорхоналар давлат маблағини кўкка совуриш билан бирга бошқа ташки-лотлар йўлига тўғоноқ ҳам бўлдилар.

Қўрилаётган қораларга қарамай Тошкент тепловоз-ремонт заводида ҳам юк ортиш-тушириш ишлари тезлашмапти. Саккиз ой давомида бу қорхона салкам 76 минг сўм жарима тўлади. «Ўртоқ» қондиртер фабрика-сини 5846 сўм, экскаватор заводида салкам 33 минг сўм, трампастанка заводи-га 6855 сўм жарима солин-ди. Тошкент ёғ-моли комби-нати эса саккиз ой мобайни-да 34 минг 420 сўм жарима тўлади.

Бу қорхоналар вагонлар-ни нормада белгиланганидан бир неча баробар кўп вақт ушлаб қолдилар. Масалан, ёқини ташкил этилаётганлиги тўғрисида тепловоз-ремонт заводи ҳар бир вагонни 25 соат, «Ўртоқ» қондиртер

фабрикаси 23 соат ушлаб қолган. Бу соҳада Тошкент экскаватор заводи «юксак натижаларни» қўлга кирит-моқда. Заовд айрим вагон-ларни 48 соатлаб ушлаб қолмоқда. Тошкент грам-пластика заводига ҳам ам-олиб келган вагонларнинг бири эса юк билан пўлат иаларда 31 соат туриб қо-либди. Бундай воқеалар тез-тез такрорланмоқда.

Тошкент темирйўл бў-лимаси вагонлардан сама-рали фойдаланишнинг комп-лекс системасини ишлаб чиқмоқда. Бу система асо-сида темирйўлчилар санаот қорхоналари ва бошқа таш-килотлар билан ўзаро шартномалар тузиб чиқиш-ган. Янги усул тўғрисида 8650 вагон-соат иқтисод қи-линди. Олмалиқ химия за-води, Тошкент консерва за-води каби 72 қорхонада шартнома асосида вагонлар ўз вақтида бўшатилиб, ўз вақтида юкланапти. Бун-дан биз хурсандимиз.



Ўрта Осиё темирйўлининг Тошкент бўлимаси 362 қор-хонага хизмат қўрсатапти. Вагонлардан самарали фой-даланиш бўйича шартнома тузган қорхоналар ҳали жу-да ҳам оз. Бизнингча, бу иш-ини тақомиллаштириш ке-рак.

У. МУҲАМЕДОВ, темирйўлчи.

ОРТИҚЧА ЗЕБ БЕРМАНГ

ҲАР йили давлатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривож-лантиришга қўллаб маблағ ажратди. Лекин шу маб-лағнинг ҳаммаси ҳам деҳ-қончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга сарфлан-майди. Масалан, Ўрта Чир-чиқ районидан «Ленин йў-ли» колхоз раҳбарлари кейинги олти ой ичида фа-қат правление биноси қури-лишига 72,3 минг сўм сарф-лаб юборишбди. Ваҳоланки бу маблағ уларга пахта май-донларини кенгайтириш, чо-ра фермаларни қуриш учун берилган эди. Пискент райо-нидаги Калинин номли кол-хоз раҳбарлари ҳам қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун ажратилган маблағнинг 14,7 минг сўмини идора қу-рилишига сарфлашди.

Калинин райони ҳўжалик-ларида ҳам бевосита ишлаб чиқаришга алоқадор бўлма-ган бинолар қурилиш йил сайин авжига чиқмоқда. Ўзбекистон Оркиниқиде ном-ли колхозда 100 минг сўм маблағ қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга эмас, бал-ки бошқа мақсадларда ў-қалаштирилди. Сохвоҳларда сарф бўлган ҳарajatлар эса бундан икки-уч ҳисса кўп-дир.

Область халқ контроли ко-митети ўтказган текширувда маблағнинг асосий қисмини маъмурий бинолар қуришга

сарфлаётган яна бир қатор ҳўжаликлар маълум бўлди. Бу соҳада Коммунистик рай-онидаги «Правда», «Ленин-ский путь», Габула райони-даги Ҳамза номли колхоз-лар «Ремонт» қўймоқдалар.

Текширув аяқларни коми-тет мажлисида муҳомада қи-линди, аниқланган камчи-ликлар област қишлоқ ҳў-жалигини ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Маҳаматовга кўрсатилди. Унга йўл қў-йилган камчиликларни туга-тиш, айбдорларни жазолаш, ақсатилган пул ва моддий ресурслардан ўз ўрнида фойдаланиш юзасидан қатъ-ий назорат ўрнатиш вазифа-си юклатилди.

ВАЪДА УНУТИЛДИ

Биз Оржоникиде райони-даги Салор ГЭСи посёлка-синда истиқомат қиламиз. Шу пайтгача артезиан қу-дўқлардан сув ичиб келаёт-ган эдик. Негадир кейинги пайтда сувнинг маъноси ў-згарди, тағи ҳам қамайиб қолди. Қисқаси, ҳозир у эҳ-тиёжиямин қондирмапти.

Енгинамиздан Қўрай пив-овалгоҳисиз ичимликлар комбинати томон катта водо-

провод қувири ўтган. Ундан эилов сув оқиб турибди. Лекин биз фойдалана олмай-миз.

Бир неча йил муқаддам посёлка аҳолиси шу катта қувирудан хондонларни то-за сув билан таъминлашни район ижроия комитетидан илтимос қилган эди. Ижро-ком раҳбарлари талабнингиз-ни қондирмади, деб ваъда беришди. Лекин бу ваъда кейинчалик унутиб юборил-ди.

Ж. АСОМОВ, Улуг Ватан урушининг 1-группа инвалиди.

КЎРМАСЛИККА ОЛМОҚДАЛАР

Ичкиликбозлик ва алкого-лизмга қарши бошланган умумхалқ кураши авж олган бир пайтда айрим умумий оқатланиш қорхоналари ҳа-мон эскича усулда ишлаёт-ганлиги кишининг ғайсини келтирмаяпти. Биз Нарма-нов шаҳрининг Лихачев қу-часида жойлашган кафени назарда тутаямиз.

Бу ерда эрталабдан кечга-ча пивхўрларнинг қадамини

узилмайдилар. Ен-атрофдаги қорхоналарнинг ишчилари ни пайтида ҳам келиб «чан-қобости» қилиб кетишади. Қизиги шундаки, 30—40 метр нарида шаҳар ижроия комитети жойлашган. Лекин шаҳар раҳбарлари кафедни бу ҳангомаларни кўрсалар ҳам ўзларини кўрмасликка олмоқдалар. Бундан эса «эр-катой» кафе ходимлари фой-даланиб қолيناпти.

К. МАМЕДОВ, писмовер. М. УМАРОВ, ишчи.

ДОИМО БЕРК

Ўрта Чирчиқ районидан «Коммунизм» колхозини гўшт дўконига қачон қараманг, берк бўлади. Колхоз раҳ-барларидан бунинг сабабини сурштирсангиз «Сотувчи йўқ», «Холодильник бузуқ, шунинг учун дўкон берк» экани ташкил этилаётганлиги тўғрисида тепловоз-ремонт заводи ҳар бир вагонни 25 соат, «Ўртоқ» қондиртер

бўлишапти. Бундан район матлубот жамияти раҳбарла-ри ҳам хабардор. Лекин улар колхоздаги гўшт дўко-нини бир маромда ишлаши-га ёрдам беришни исташа-мапти.

Колхозчилар бу ҳақда рай-он газетасига ҳам ёзишган эди. Лекин танқид ҳеч ким-га таъсир қилмади. Колхоз гўшт дўқони ҳамон қандай бўлса шундайлигича ёпиқ ту-рипти.

К. РАИМҚУЛОВА, студент.

А. ИБРОҲИМОВ, Оҳангарон район халқ контроли комитетининг инспектори.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА
ДАВОМ ЭТАДИМУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИ
АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛ ЯНВАР—
СЕНТЯБРДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

САНОАТ

Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	104,4	127,1	101,4
Реализация планининг бажарилиш проценти	100,3	100,1	100,1
Планидан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	14,8	0,1	3,8
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сон	31	11	112
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	7,7	17,7	37,6
Саноат ишлаб чиқариши ҳомишларининг ўтган йилнинг шу давридаги			

нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,0	105,2	98,3
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	100,2	102,7	100,7
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	103,4	120,8	103,3
Меҳнат унумдорлиги бўйича планини бажармаган корхоналар сон	75	11	95
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	18,4	18,3	31,9
Барча турдаги калава ишлаб чиқариши — минг тонна	12,0	0,145	234,1
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	98,2	6,3	100,8
Барча турдаги ташлама ишлаб чиқариши — миллион погон метр	165,2	—	1681,8
Шу жумладан пландан ташқари	—	—	5,4
Ташлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	95,0	—	100,8

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ

Барча категориядаги ҳўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларининг ҳарид қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти, планидан ташқари ҳарид қилинганлари ҳам ҳисобга киради:	76,1	65,3	118
Чорва ва парранда			

Сут	74,2	65,7	97
Тухум	81,1	61,5	101
1985 йилнинг январь—сентябрда колхозлар ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик маҳсулотларини: Тирик вазнда сўйиш учун топирилган асосий чорва ва парранда турлари — минг тонна	37,7	13,9	57,7
1985 йилнинг январь—сентябрда ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан процент ҳисобида	100,8	93	109
Сотиб олинган жами сут — минг тонна	131,1	27,3	254,7
1985 йилнинг январь—сентябрда 1984 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида	97	99	96
Товуқ туҳуми етиштириш — миллион дона	282,8	30,2	294,1
1985 йилнинг январь—сентябрда 1984 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида	120	100,4	96
Ҳар бир соғин ситгидан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм	2032	1539	1645
1985 йилнинг январь—сентябрда 1984 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида	79	95	97
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача туҳум миқдори — дона	127	117	167

1985 йилнинг январь—сентябрда 1984 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат капитал маблағлари ҳисобида амалга оширилгани — (процент ҳисобида); Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	100,8	103	98
Курилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	91	91	84
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш — йиллик планга нисбатан процент ҳисобида	87	94	80
	66	86	59

САВДО

Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиш проценти, умумий оврақланиш ҳам ҳисобга киради	92,8	92,4	95,6
Шу жумладан, чакана тармоқ товар обороти	92,2	91,8	95,6
Умумий оврақланиш товар обороти	98,3	99,3	96,3

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиш проценти — жами	90,4	90,1	102
Шу жумладан, шаҳарларда	92,0	89,2	102
Қишлоқларда	84,2	90,7	102

ХАЛҚАРО ХАВМ

БҲНЁДКОРЛИК
ВА ТИНЧЛИК
ПРОГРАММАСИ

КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасини оммавий ахборот воситалари, жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари зўр сийсий аҳамиятга эга ҳужжат, деб қабул қилди. Бу ҳужжатда жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари асос эътириланганлиги, ҳозирги давр баътафсил таърифлаб берилганлиги уқтириб ўтилмоқда. Кўндал кўн шарҳларда Ленин партияси Программаси лойиҳасининг ҳар бир сатри урушини олдидан олшти, ер юзидан тинчликни қарор топтиришга, турли ижтимоий турмушдаги давлатларнинг тинч-тотув янаш принциплари таъинланганлиги қайт ўтилмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг газеталари миллион-миллион совет кишилари — коммунистлар ва партиячилар лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида қатнашгаётганликлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, социалистик тузум чинакай демократик табиятини яққол ифодаси эканлигини тасдиқламоқда.

Бенишқ зўр тарихий аҳамиятга эга ҳужжат Советлар мамлакатининг миллион-миллион меҳнатқиллари муҳокамасида қўйилди, деб ёзади Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси. Унда КПССнинг программаси мақсадлари, унинг сийсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳалардаги стратегияси ҳамда тактикаси таърифлаб берилган. Ленин анъаналарига сadoқатли партия тарихининг ҳозирги масъулиятли бурлиши палласида совет жамоатчилигининг социал-иқтисодий тараққиётини жалдлаштириш учун маслаҳат сўраб, халққа мурожаат этмоқда.

Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетаси КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасининг аҳамияти Совет Иттифоқи билангина чекланб қолмаслигини уқтириб, бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун улуг илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилишини таъкидлагани. Шу ҳужжат мазмунига сингдириб юборилган советлардаги юбонлар барча қиъталардаги меҳнат ахлига азиз.

Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жалдлаштириш орқали жамоатчилигининг сийсий ҳижратининг янги ҳолатига эришиш — КПСС янги тахрирдаги Программаси лойиҳасининг энг муҳим ғоясидир, деб ёзади Венгрияда чиқадиган «Непсабадаш» газетаси. Газетанинг уқтиришича, Ленин партиясининг иқтисодий стратегияси ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, етук социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига, яхши созилашган ҳўжалик механизмига эга бўлган олий самарали экономикага ўтилишини жалдлаштириш кўзда тутилади.

Америкадаги «Лос-Анжелес таймс» газетаси КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасини «ХХ асрнинг сўнгги чорагидаги энг муҳим идеологик ҳўжатлардан бири», деб баҳолайди. Калифорниядаги маъна шу энг нуфузли газета


ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Совет Иттифоқидаги 19 наشريётини Чехословакия пойтахтида очилган катта кўшма виставкаси «Совет илмий ва техник адабиёт» деб аталади. Виставкада 500 номдаги китоб намоиш этилмоқда. Улар Совет Иттифоқида математика, кибернетика, физика, химия, астрономия, машинасозлик, металлургия, электротехника, қурилиш, медицина соҳасида, фан ва техниканинг бошқа соҳаларида эришилган энг янги илмий кашфиётлар ва ютуқлар билан таништилади.

● МАНАГУА. Марказий Америкада бoшқармасининг ёлланган аскарлари жафоканш Никарагуа диёрда қонли жиноятлар қилмоқда. Республика мудофаа министрлигининг хабар беришича, қурулланган самососи тўдалар Рама шаҳрининг кенчаларида деҳқонлар яшайдиган иккига қаторқ посёлкага ҳўжум қилган. Бoшмачиларнинг ўқидан бир гўлдан ҳалок бўлган. Бир неча киши, шу жумладан уч бола ва бир аёл яранган. Никарагуанинг чегарадаги қўшнлари Нуэва-Сеговия департаментда самососи турғуларга қарши жанг қилди. Рио-Сан-Хуан департаментда сандиочилар халқ армиясининг жангчилари қўшини Коста-Рикадан Никарагуа территориясига сукулиб кирган америкалик ёллангаларнинг маҳфий ҳарбий лагерини тор-мор келтирдилар.

(ТАСС).

● Хиндустан таймс» газетасининг таъкидлашича, руҳоний либосидати жосуслар Бхонал шаҳрида қўлга туширилган. Бу ерда ўтган йил декабрда «Юнион карбай» миллатларо корпорациясининг айби билан дундаги энг катта фоникалардан бири содир бўлган эди.



ФИДОКОР

ОЧЕРК

Улар қаерда бўлмасин, ўз сўзлари билан мададкор бўлишди. Кишиларни тўғри йўлдан бошлади. Меҳнат ветерани, суяғи пахтачиликда қотган бригадир, ҳозир эса пенсияер Қирғизбўй ота Рустамов одамларга қарата юракдан гапирди. У Алимга 2-бўлимга бошлиқ қилиб тайинланганга қадар 1-бўлимни бошқарганлигини, шу жойдан Эвнер Алиев, Абдусаттор Сулаймоновдек Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари етишиб чиққанлигини, Айвазова республикада хизмат кўрсатган пахтакор эканлигини, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь Революцияси орденлари билан тақдирланганлигини тўғрилайиб сўзлади. Алимга ўз исми жойини совутимасдан ишлайвериши мумкин эди, — деди ветеран сўзини ниҳоятдан ақал, — лекин совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти унга катта ишонч билдирди. бизнинг қўлоқ устасида юборди. Алимга ақойиб коммунист, фидокор меҳнатқил, ғамхўр раҳбар. У ерни ҳам, пахтани ҳам беш қўлдек билди. Фақат биз уялтириб қўямасак бас.

Бошқа сўзга чиққанларнинг гаплари унчалик қўшмади. Улар «шунчасини кўрдик, майли, буни билан ҳам ишлайиб қўрайлик» қабилда фикр билдирдилар. Бир неча йиллар ичида меҳнатдан тузукроқ манфаат кўрмаган одамлардан бунадан ортиқ гап қуттиш ҳам мумкин эмасди.

АЛИМА ўша кунни уйига ҳомуш қайтди. Умр йўлдошини ҳеч қачон бунақа қайфиятда кўрмаган Мансур ака унга далла берди: — Онанси, биламан, икки-уч кундан бери ҳафасан, одам иши юришмаса шунақа қўйга тушади, — деди у. — Мен автолавкани ташлаيمان, директордан илтимос қиламан, машина билан ёнғида бўлсам, икки пенсионер билгани кўтарамиз.

Бу сўзлар А. Айвазова қалбига қанот бағишлади. У юзасидан ўтказилган соҳиёлар билан мусобақанинг шу йил учинчи кавартали янурларини кўриб чиқди.

Область партия комитети, область икромка комитети ва область касаба союзлари Советининг қўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти турар-йойларини. йўл ва йўлларини капитал ва жорий ремонт қилиш планини бажаришга эришган ўрта Чирқик районига берилди.

Байроқ Бўстонлик районида олиб берилди.

Коммунистик ва Янги йўл районларида ободонлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан иборати ишлар қилинганлиги қайт этилди.

тўлмай юрган Холмиров Қиличбоев, Раҳматилла Толипов, Мирза Қоробоев каби меҳнатқиллар. Нортжик Эрнзарова, Соция Жеппарова, Миновар Толипова каби кўпмигиколограммчиларнинг номи ҳўрмат билан тилга олинган бўлиб қолди.

Бўлимнинг икки йил ичида бунчалик равақ топишда Решит Хатип, Ибрагим Арап, Абдулла Жапаров сингари мутахассислар ҳам жонқуярлик кўрсатдилар. Бир ёқадан бош чиқариб қилинган иш қувовчи самаралар берди. Агар 1983 йил. гаца бир центнер пахтанинг таннарни бўлимда 43 сўм 15 тийинга тушган бўлса, ўтган йили 33 сўмга тўғри келди.

Ана шу ютуқларнинг сирини ҳақида, опанинг меҳнатга муҳаббатини ҳақида батафсилроқ гапириб беришни ундан сўраганимизда, аввал ўйлангилди. Кейин охиста ҳикоя қилди.

АЛИМА ўз тақдирини совхоз коллективининг тақдирда, ўз бахтини шу ҳўжалик фидокорлари бахтида деб билди. У ўш саккиз ёшда ҳали иқтисодий жиҳатдан унчалик бақувват бўлмаган, маданий ҳаёти ҳам ўртача совхозга оддий ишчи бўлиб кирди. У пайтда ҳамма ишлар қўл билан бажарилиб эди. Алимга гўза чопчики, яганалашми, сўғорич ёки ўғитлаш бўлсин — топишларини ишчи бажонудил бажарарди. Бу тарбияни у отасидан олган эди. Амёт ога болаларига «агар мени отам дейдиган бўлсан, ерим сев, у билан муомала қилишни ўргат, меҳнатдан қочма, чунки ер ҳаммани боқиди» деб ўғит берарди. Фарзандларини қўлга кичкина-кичина кетмоқчалар, болжурмачалар бериб ишга соларди. Ана шу чиниқини Алимга совхозда қўл келди. Тезла у ишчиларни, бир ишчи тартиб билан сифатли бажаришни тўғайли аввал бригадалар, кейин бўлимда танилди. Ёш ишчи далада меҳнат қилди, бухгалтерлик курсида сиргидан билим олди. Совхоз комсомол ҳаётида актив катнашди. Кейинчалик совхоз йўлланмаси билан қишлоқ ҳўжалик институтининг бухгалтерлик факультетини биттирди. Тўғри йўлга ҳўжаликда бухгалтер бўлиб ишлагач, уни 1-бўлимга бошлиқ қилиб тайинлашди. Шу йили партия сафига қабул қилинди.

Эндиликда у ўз кўрки, турмуш тарзи билан шарҳатга айланб бораётган «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхоз коллективининг ардоқли фарзанди. Ҳар йилига 8 миллион сўмдан даромад қилаётган бу ҳўжаликдаги қароғон қўчалар, замонавий маданий-маиший муассасалар, медицина шохобчалари, мактаблар, боғчалар, спорт комплексларининг бунёд этилишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Алима Ўзбекистон Компартияси қатор сўзсизларининг делегати, бир неча йиллар давомида Тошкент облада партия комитети, Гадаба район партия комитетининг аъзоси сифатида ҳам

Опа меҳнатини ҳар қанча улуғласа оз, — деди совхоз директори Рустам Каримов. — Мен уни энг ишлайдиган жангати мерганга ўхшатаман. Ҳар қандай ишнинг улдасидан чиқали. Қўлоқ бўлимини кўтарди. Хўжалиқимизда мажбуриятни мўддатидан олдин бажаришда бу бўлимнинг ҳиссаси катта бўлди. Опа бошлиқ коллектив фақат пахта эмас, бу йил далада кўнлаб мажнужўр дони, кўнпо, беда пичани топишди. Бўлимда нилла тайёрлаш 120 процент, уруғлик беда тайёрлаш 200 процент бажарилиди. Шунинг учун ҳам бутун совхоз у билан фахрланиди, ҳамма уни қадрлайди.

Дарҳақиқат, ҳалол, сидқидилдан қилинган меҳнат инсонни элга танитар экан. Бу йили Алимга Айвазованинг ҳаёт йўли ўқини кўрсатиб турибди. У эрнинг коммунистик бурчини шараф билан ўтати.

Биз жонқуяр пахтакор билан хайрлашдик. Бироз ўраган, қулоғимизга Мансур аканинг овози чалинди:

— Энди қайси бригадаси борамиз, онанси?

— Катта йўлга. Пунктга борамиз.

Машина катта йўлга чиқиб олди. Икки ветеран, икки фидокор равои йўлдан манзилга томон дадид борадилар.

Сандвалл ҲАСАНОВ.

ЯНА 2 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ

ТОШКЕНТ районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллик» колхозини деҳқонлари давлат сабзавот ва картошка сотиш йиллик планларини мўддатидан илгари бажардилар. Эл дастурига 14 минг 200 тонна унингга 14250 тонна сабзавот, 2800 тонна унингга 2966 тонна картошка етказиб берилди.

Шунингдек, ҳўжаликда давлатга гўшт ва туҳум со-

тиш планлари ҳам ортиги билан адо этилди.

КПСС XXV съездин шарафига зарбдор меҳнат ва тасдиқа турли ишлайётган колхоз деҳқонлари ўз ижтимоий-иқтисодий ҳисоблаб қилиб, қабул пунктларига планга қўшимча яна 2000 тонна сабзавот топишди, яхши ҳисоб ҳажмининг 16200 тоннага етказишга адо қилдилар.

Л. ИУЛДОШЕВ.

ОБОДОНЛАШТИРИШ
МУСОБАҚАСИ
ҒОЛИБЛАРИ

ОБЛАСТЬ партия комитети, область икромка комитети ва область касаба союзлари Совети район марказлари ва шаҳар посёлкаларини ободонлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш

юзасидан ўтказилган соҳиёлар билан мусобақанинг шу йил учинчи кавартали янурларини кўриб чиқди.

Область партия комитети, область икромка комитети ва

САНЪАТКОРЛАР ДАВРАСИДА



сафидан ўрин олди. Истеъдодли раққоса «Оқ би-
лак» балетига иж-
ро этган дастлаб-
ки роли — Се-
мур партизаси-
дан кейин балет-
мейстер П. К.
Иоркин унинг ис-
тиқболли бале-
рина бўлиб эти-
шисини олдин-
дан кўра билган
эди. Кўп ўтмай

бу марказий партизанин қан-
чалар қаҳрамонлари ҳақида
«калби гузали», «характери бир
мақсадга йўналтирилган» каби
фикрларни нима учундир жу-
да кам эшитамиз. Мен бўлсам,
ҳамиша ўзим ижро этадиган
ролимда инсонни улуғлашга
интиламман,— дейди Галия Из-
майлова.

Чиндан ҳам у инсон қалби-
ни бутун эътирослари ва қара-
ма-қаршиликлари билан ифо-
далашга ҳаракат қилади. Бир-
гина «Оққуш кўли»даги Одет-
та-Одильяни олиб кўрайлик.

«Гранд-Опера»нинг энг
машҳур балеринаси Лисет Дар-
сонвальд бундай деб аъган
эди. «Мен Измайлова хоним-
нинг монументаллини кўрдим
ва халқ ҳаётининг бунчалик
қувонқлигига, бунчалик аниқ
ифода қилиниши ва бунчалик

лия Измайлова ижросида то-
моша қилганидан кейин бу
халқлар характери оғиб бе-
ришда этнограф-тарихчилар
оқизлик қилган низоъда но-
зик ва кўз илғамас қирралар-
ни раққоса топа олибди, де-
ган ҳулосага келган эди.
...1955 йилда Г. Измайлова
Тошкент театр ва раҳмонлик
санъати институтига ўқишга
кирди. Бу таълим даргоҳининг
режиссерлик бўлимини тугат-
ган, унинг амалий тақриба-
сини назарий билимлар билан
муштақамлаш мақсадида К. С.
Станиславскийнинг бой ме-
ро-

камолотга етказди ва шу би-
лан бирга ўзбек балетини ҳам
юқори чўқиларга олиб чиқ-
ди. Шунинг учун ҳам компози-
тор О. Меликовнинг «Севги
афсонаси» балети Г. Измай-
лова талқинида кўпчилик
эътиборини тортди. Мазкур
балетнинг хореографик воси-
талари балетмейстер фан-
тастикнинг самараси эмас.
Санъаткор Н. Хикмат пьесаси-
ни рақс тилига ўқибди, балки
қолмай, балки қаҳрамонлар
образларини пластик унум-
лашмагача етказган. Бале-
тмейстер талқинида Фар-
ход, Моҳибну, Ширин, Об-
разлари мардлик, адолат, гу-
заллик ва муҳаббат рамзига
айланган. Натижада, бу қаҳра-
монларнинг романтик муҳабба-
ти фалсафий-этик йўналиш
касб эътиди.

Хозир ҳам Галия Измайло-
ванинг ижодий куч-ғайрати
жўш урмоқда. У бутун ҳаёти
давомида тўплаган бой тақри-
баси ва билимини шоғирдла-
рига меҳр билан ўргатмоқда.
Унинг қимматли маслаҳатла-
ридан баҳраманд бўлганлар
орасида Ўзбекистон ССР халқ
артистлари Г. Хамроева, М.
Ахмедова, республикада хиз-
мат кўрсатган артистлар З.
Давлатмуротова, Ш. Турсунов,
Х. Бозоров, Ф. Садуллаева
каби кўпгина истеъдодли ёш-
лар бор. Шунингдек, унинг
шоғирдлари М. Турғунбоева
номидagi «Баҳор» халқ рақс
ансамбли М. Қорикўзов но-
мидagi Ўзбекистон ССР Дав-
лат филармонияси ва бошқа
профессионал бадий коллек-
тивларда рақс санъатини
янада ривожлантиришга ҳис-
са қўшиб келмоқдалар.

Кўн билан изиланиш Галия
Измайлова учун кундалик ҳа-
ёти эътиёбига айланган. Рақ-
снинг ижоди узлуқсиз меҳ-
натдан иборат, бу санъатга
ҳаддан ташқари содиқликнинг
намунаси десак асло мубола-
ға бўлмайди. Шунинг учун
ҳам Галия Измайлованин но-
ми эндиликда М. Турғунбоева
ва Тамира хонимнинг сингари атоқ-
ли санъаткорлар сафига гу-
заллик ва летофат рамзига
айланиб қолганини беиз
эмас. Биз ҳамиша бу ижод-
нинг давоми билан танишишга
ошиқмиз...

Аҳмадхон РАҲИМОВ,
хореограф.

Галия ИЗМАЙЛОВА: «ИНСОННИ УЛУҒЛАШГА ИНТИЛАМАН»

ЎЗБЕК балет санъати ҳақида кўп миллатли
совет балетининг илғор эволюциядан бири ҳисобла-
нади. Иттифоқимиздаги эътибор, балки кўпгина хори-
жий мамлакатларда ҳам катта шuhrат қозонган бале-
тнимиз Ўрта Осиё республикалари хореографикаси та-
риқийётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Юксак
маънавий идеаллар, тира ҳаётини мазмун билан йў-
рилган, бой репертуар, инсоний ҳис-туйғуларини таъсир-
чан ва ҳаққоний ифодалаш, ўзбек халқ ва Европа
классик рақсларини мутаносиб равишда уйғунлашти-
риш, оригинал услуб ва кашфиётларга интилиш ту-
файли ўзбек балети миллионлаб томошабинлар қал-
бини мафтун этмоқда.

Балетимизнинг бунчалик жо-
зибдор кучга эга бўлишида
СССР халқ артисти, СССР ва
Хамза номидаги Ўзбекистон
ССР Давлат мукофотларининг
лауреати, ақойиб раққоса ва
балетмейстер Галия Измайло-
ванинг ҳам салмоқли ҳиссаси
бор. «Рақс — бу фақат ҳаёт-
нинг талқини ёки абстракция-
си эмас, балки ҳаётнинг ўзги-
наси», деган эди СССР
халқ артисти Мукаррама Тур-
ғунбоева ўз шоғирининг
санъати ҳақида. Ҳақиқатан ҳам,
Г. Измайлованин рақслари
ҳаётнинг ўзгичасидир.

«Ўрта бўйли, нозиккина қиз-
ча 1941 йилда Ўзбек хорео-
графия билим юртини муваф-
фақиятли битириб, Алишер
Навоий номидаги театрга кел-
ган дастлабки кундан бошла-
боқ кўзга кўринган солистар

Галияга ундан кўра ҳам му-
раккаброқ ва масъулиятли
роллари — «Богчасарой фон-
ти»даги Мария, «Қизил ло-
ла»даги Тар-Хов, «Мис чаван-
доз»даги Параша, «Эсмераль-
да»даги Эсмеральда, «Копе-
лика»даги Санильда, «Уйқуда-
ги гузали»даги Аврора, «Оққуш
кўли»даги Одетта-Одилья пар-
тиялари топириди. Галия бу
роллари моҳирона ижро
этиш учун машаққатли маш-
гулотларга шунинг кетди. Шу
тариқа рақс унинг қувончи, ҳу-
зур-ҳаловати ва ҳаётини зару-
риятига айланди.

— Бизда, балет санъатида
кўп ҳолларда «Овқатлари чи-
роғли экани, «Ўқуларни, қадди-
қомати келишган» деган гап-
лар кўп такрорланади. Лекин

чадан-қанча бетакрор ижро-
лари вуқудга келган, тўз қа-
рамонининг ҳамма сифатлари
талқин этилган ва энди бирон
нарсаси қолмагандек. Шунга қи-
рамадан балерина бу ерда
ҳам ўз ижро услубини излай-
ди. Оққушларнинг афсонавий
дунёсида Измайлованин қаҳра-
мони билан учрашар экан-
миз, шоҳона образ эмас, балки
кўз ўнгимизда нуқрадек
соф, истеъдодга бой инсон
образини намоён бўлади. Бу ер-
да ҳам ижодкор яхлит ва чу-
қур характери оғиб берган.
Айниқса, «Оққуш кўли»нинг
иккинчи пардасидаги бекиёс
талқини эга бўлган кўриниш
бунга аққол мисол бўла олади.
Улус рус композитори П. И.
Чайковский музикасининг бе-
такрор оқинларига ва тира
фалсафий образлари мазкур
сана асари орқали ўзбек
халқ санъати ҳақида йўл очди.
Г. Измайлова ўзи сезмаган
ҳолда гоёт жозибали ҳаракат-
ларни оғушига кириб қолади.
Ўзбек классик халқ рақслари
умуми, уни беҳитиб сеҳрлаб
қўяди. «Бу рақслар мен учун
халқнинг пластик портрети-
дир», дейди Галия Измайло-
ванинг ўзи бу ҳақда.

Санъаткор ижросидаги «Пах-
та», «Табассум», «Лазги», «Гу-
зали» халқ балетининг бирон-
бир бўлагини ўзида яширган
унисиз назм, кўрш мумкин
бўлган қўшиқлар, халқ ҳаётининг
эмоционал йилномасидир.
Францияда чиқадиган «Юман-
те» газетасида Париж
«Гранд-Опера»нинг энг
машҳур балеринаси Лисет Дар-
сонвальд бундай деб аъган
эди. «Мен Измайлова хоним-
нинг монументаллини кўрдим
ва халқ ҳаётининг бунчалик
қувонқлигига, бунчалик аниқ
ифода қилиниши ва бунчалик

гузалигига мафтун бўлдим».
М. Турғунбоева ва Тамира-
хонимнинг каби устоз санъаткор-
ларнинг ижодий — эстетик
принципларига содиқ қолган
Г. Измайлованин «монументал-
ли» — халқнинг умид-ор-
зулари ва туйғулари билан
йўрилган миниматор концерт
номерлари катта сана асар-
ларидан сира ҳам қолтирмай-
ди. Унинг ёрқин истеъдодидан
Осиё, Африка, Лотин Амери-
каси, АҚШ ва Европа мамла-
катлари, беповён Советлар дё-
ридаги қанчадан-қанча санъат
иқлосмандлари баҳраманд
бўлмади дейсиз!

Г. Измайлова хорижий мам-
лакатлардаги ижодий сафар-
лари вақтида ҳам, Буюк Ва-
тиннинг барча бурчларини
концерт намоиши этганида
ҳам турли халқларнинг урф-
одатлари, рақслари ва мада-
нийтини кўн билан ўрганади,
уларнинг турмуш тарзи, орау
ва умидларини билишга инти-
лади.

СССР Иттифоқи халқ рақс
ансамблининг бош балетмей-
стери ва бадий раҳбири, СССР
халқ артисти, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони Игорь Мо-
сеев куба рақси «Пачанга» ва
испанча «Мадегенья»ни Га-

сини, Европа классик рақсла-
рини илғор қилган Ж. Новерр
ва М. Петипа асарларини кўн
билан ўрганади.

Г. Измайлова институтни би-
тиргач, тез орада А. Навоий
номли театрга бадий асар-
лар сахналаштира бошлади.
Улар орасида композитор И.
Ақбаровнинг «Орзу», «Лайли
ва Мажнун», «Наврўз», М. Аш-
рафийнинг «Севги тумори»,
«Рустам ҳақида қисса», Г. Му-
шелнинг «Кашмир афсонаси»
каби миллий балетлар бор.

Санъат, айниқса, балет санъ-
ати нўрнин талаб-истаклар ва
буйруқлар билан ривожлан-
майди. Айрим санъатшунослар
бир асарни кўриб, унинг мо-
ҳиятига етмасдан осмонга
олиб чиқадилар ёки ерга ура-
дилар. Ижодкорларга ўзлари-
нинг кўр-қурона маслаҳатлари-
ни тикитишавардилар ва
ижодга, хусусан, назм ва қи-
йин балет санъатига шу тари-
қа катта путур етказадилар.
Бироқ Г. Измайлова ўзининг
ижодий принципларига, рус ва
совет балетини ривожланти-
ришга катта хизмат қилган ба-
летмейстерлар тақрибасига,
совет санъатининг партизавий-
лик принципларига суянган ҳол-
да самарали ижод қилиб кел-
моқда. Бу унинг истеъдодини

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ТАНИШИНГ, «СОҲИБКОР»НИНГ РАҚИБИ

«ТАВРИЯ»

(Симферополь)

БИРИНЧИ лигага ўтиш
учун кўшимча турнирда
иштирок этувчи «Со-
ҳибкор» эртага ўз май-
донида Симферополнинг
«Таврия» командасини
қабул қилади.
Команда 1958 йилда ташкил
топган. Дастлаб «Авангард»,
1963 йилдан эса «Таврия» но-
ми билан мухлисларга та-
ниш. 1981 йилда олий лигада
иштирок этган эди. Ушанда
«Пахтакор» командаси билан
ўзаро куч синишган, Тошкент-
да пахтакорчилар 1:0, Симфе-
рополда эса «Таврия» 1:0
хисобида ғалаба қозонган
эди.

1974—1980 йилларда бирин-
чи лигада иштирок этиб, 282
та матч ўтказган, шунинг 131
тасида ғалаба қозонган, 65 та-
си дуранг натижа билан, 86
таси эса мағлубият билан аяк-
ланган. Бу учрашуларда сим-
ферополликлар 428 та тўп
киришти, 303 та тўп ўтказиб
юборганлар.
1984 йил мавсуми команда
учун жуда омадсиз бўлди.
«Таврия» ўн бир йилдан сўнг
биринчи лига билан хайрла-
шишга тўғри келди. Азвдал
ўзининг кўпчиликлари маъқул
тактик ҳаракатлари билан
таъинланган команданинг даст-
лабги тўшиб қолганини нима
билан изоҳлаш мумкин?

Командада икки ёки учта
етакчи футболчи бошқа клуб-
га ўтиб кетишининг ўзига
коллектив уйидада кескин ўз-
гариш ясашини амада бир
неча бор кузатганми. Лекин
1983 йилда «Таврия»нинг бир
кўла... ўн бир ўйинчиси кетиб
қолди. Уларнинг айримлари
олий лига клубларига тақлиф
этилдилар. Бу ҳол командани
мушкул аҳволга солиб қўйди.
Гарчанд кейинги икки йил ичи-
да команда ҳузуридаги бо-
лалар ва ўсмирлар спорт мак-
таби 20 га яқин ёш футболчи
етказиб берса-да, улар ко-
мандага яхши ёрдам қилол-
мадилар.

Шундан кейин ҳам коман-
данинг катта тренера, СССРда
хизмат кўрсатган спорт мас-

тери А. Коньков одатдагидек
— олий лигадаги командалар-
дан тақрибали ўйинчиларини
тақлиф этмади. Аксинча, у
кўйин лигаларда ўзини кўрсат-
ган истиқболли ёшларни тақ-
лиф этди. Шу тариқа команда
сафида И. Лялин, С. Осенов-
ский, С. Деметев, В. Несте-
ренко, В. Толчев сингари ўйин-
чилар пайдо бўдилар.

Бу йилги мавсумда команда
катор матчларда яхши ўйин
кўрсатиб, кўпчилик мутахас-
сислар эътиборини ўзига
тортиди. Киевнинг «Динамо»
командаси сафида бир неча
йил иштирок этган, СССР
терма командаси шарафини
ҳимоя қилган дарвозабон Вик-
тор Юрковский, армия хизма-
тини тугатган тақрибали
ўйинчилар Сергей Причиненко
(капитан) ва Виктор Галу-
товларнинг коллективга келиб
қўшилиши «Таврия»нинг янада
муштақамлашишга ёрдам
берди.

Команданинг ақсарият ўйин-
чилари В. Юрковский (дарво-
забон), А. Исеев, В. Галутов,
А. Сироватский, А. Михеев, В.
Нестеренко, В. Толчев, В. При-
чиненко, С. Причиненко (ка-
питан), В. Науменко, С. Де-
ментев, С. Осеновский, И.
Лялин, П. Гуляев, И. Леде-
ней, В. Самсонов (дарво-
забон), В. Барановлар ишти-
рок этишди.

Бу йилги мавсумда «Таврия»
39 та ўйин ўтказиб, 23 та
учрашувада ғалабага эришди,
12 та матч дуранг натижа би-
лан тугади. Фақат тўрт ўйин-
да мағлубиятга учради, чам.
пионат давомида 77 тўп кири-
шти, ўз дарвозасидан 39 та
тўп ўтказиб юборди ва 55 очко
тўплади. «Таврия» умуман ик-
кинчи лигадаги энг сермақ-
сул командалардан бири, де-
йиш мумкин.
«Соҳибкор» ва «Таврия» ўр-
тасидаги биринчи учрашува 2
ноябр кунин соат 15.00 да
Янгиқўл районидagi «Халқ-
обод» стадионда, тақрибрий
ўйин эса 17 ноябрда Симфе-
рополда ўтказилади.

М. МИРАЛИМОВ,

— Норвегия командалари уч-
рашади.

Хозир турнир жадвалидаги
аҳоли кўйидагича:
Командалар Ўйин Тўплар Очко
СССР 8 13—8 10
Дания 7 13—5 9
Швейцария 7 4—9 7
Ирландия 7 4—6 6
Норвегия 7 3—9 4

СССР КУБОГИ УЧУН
◆ ЧИМ УСТИДА хонейк бў-
йича кубок ўйинлари бўлмоқ-
да. «Полиотдел» иккилари Мос-
кванинг «Крилья Советов» ко-
мандаси билан натижасиз ду-
ранг ўйнадилар. Андижондаги
хонейк ўйинлари Москва обла-
стининг «Спартак» коллективига
1:2 хисобида ютқазилди.

ЎЗБЕКИСТОН—МХР

МОНГОЛ ДЎСТЛАР ОЛМАЛИҚДА

Монголия Халқ Республи-
каси Эрдэнэт шаҳри делега-
цияси Олмалиққа келди. Де-
легация составида Олмалиқ
кон-металлургия комбинати
билан мусобақадор Эрдэнэт
кон-металлургия комбина-
тининг илғор ишчилари,
хизматчилари ва бадий ҳа-
вадорлик коллективи қат-
нашчилари бор. МХРП
Эдэнэт шаҳар комитетининг
иккинчи секретари Самдан
гин Чимэдэрэн делегацияга
бошчилик қилмоқда.

Меҳмонларимиз Олмалиқ
ва унинг корхоналари билан
танишдилар, меҳнат кол-
лективларида бўладилар.
МХР ва Эрдэнэт шаҳрининг
иқтисодий тараққийи тўғри-
сида лекциялар ўқийдилар.
Бадий ҳаваскорлар эса ол-
малиқликларга ўз санъатла-
рини намоиш этидилар.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

СЕАНС ОЛДИДАН

Тошкентнинг «Восток» ки-
нотеатри залига шаҳар мак-
табларининг 8—9-синф ўқу-
вчилари йиғилишди. Улар
Улуг Ватан урушининг ак-
тив қатнашчилари, запасдаги
офицерлар Асадбек Ҳабибу-
лин ва Аъзам Хўжаевлар
билан учрашувга келганлар.
Капитан А. Ҳабибулин Улуг
Ватан уруши йилларида
Москва остонларидан Бер-
лингача бўлган оловли йўл-
ларини артиллерия қисмининг
моҳир разведкачиси сифати-
да босиб ўтган. Берлини
штурм қилишда унинг тўпчи-



● ОЛМАЛИҚ шаҳридаги
металлургия маданият са-
ройи қошида музика студия-
си ишлаб турипти. Бу ерда
болаларнинг музика сирла-
рини шухта эгаллашлари
учун барча шарт-шароитлар
яратилган. Студия фаоли-
тида музика раҳбири Ирина
Григорьевна Ковалёванин
хизматлари катта бўлмоқда.
Суратда: И. Г. Ковалёва шо-
гирди Ирина Юрков билан
панинода машғулот ўтказ-
моқда.

А. Зуфаров фотоси.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Трансформаторозлар по-
сёнасида аҳоли учун яна
бир қулайлик яратилди: бу
ерда комплекс хизмат кўра-
тиш пункти иш бошлади.
Пунктда кийим-кечакларни
хизматини усулда тозалаш
учун қабул қилинади. Пой-
абзаллар ремонт қилинади,
яна буюртмалар бўйича ли-
бослар тикилади. Аҳоли
пунктдаги саргарошхона
хизматидан ҳам фойдалан-
моқда.

ШАМОЛ БИЛАН БАҲСЛАШИБ

Шаҳар ДОСААФ техни-
ка-спорт клуби командаси
яқинда мотоцикл спорти бў-
йича ўтказилган област би-
ринчилиги баҳсларида му-
ваффақиятли қатнашди.
Чирчиқликлар 14 команда
иштирок этган бу мусобақа-
нинг ғолиби бўдилар.
Ш. ИСРОЙЛОВ.

КЕЛИНГ, БИР
ҚУЛАЙЛИК

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИ

Оғир аҳволдаги беморни
операциядан сўнг палатага
олиб киришди.

— Хайрият, ҳаммаси ях-
шилиқ билан тугади, — де-
ди у охишта шивирлаб.
— Сиз унчалик қувон-
манг, — деди қўшини қро-
ватда ётган бемор, — ўша
жарроҳ операциядан сўнг
тигини менин ошқозонимда
унутиб қолдирган экан. Яна
қайта операция қилишга тў-
ғри келди.

— Менин қорнимда эса
қайчиси йиғилган эди, —
деди бошқа бир бемор.

Шу пайт жарроҳнинг ўзи
палатага кириб, беморлар-
дан сўради:

— Ҳеч ким менин кўзой-
нагимни кўрмадими?..

Еш солдат уйига шундай
мазмунда мактуб йўллади:
«Азиз, онажон! Сиз мени
эрта туртишга, тиш ювиш,
нонушта қилиш ва эрта
ётишга ўргатдиш учун у-
мрингизнинг йигирма йилини
бежорга сарфлагиниз. Ар-
мияда эса бу юмушларни
бор-йўғи икки кунда ўр-
ғаниб олдим».

Русчадан Т. ЗОКИРОВ
таржимаси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭВЛОНИСР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

«КУЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ»

Москва цирки масҳарабозлари, Гавана ва Парижда
ўтказилган цирк артистлари халқаро конкурсларининг
ишондорлари

Юрий ЗВЕЗДОЧЕТОВ ВА Иван ФЕДОРОВ
ижросида масҳарабозликлар, репрэзал, интермедиялар
ижро этилади.

Тошкентда соат 19.30 да; шабаба кунлари соат 16
19.00 да; якшанба кунлари соат 13, 16, 19.00 да бош-
ланади.

Мақтаб ўқувчиларининг кўзги каникул кунларида то-
мошалар—2, 3, 4, 5 ноябрда—соат 10, 13, 16, 19.00 да;
6 ноябрда — соат 10, 13, 16.00 да; 7 ноябрда—соат 13,
16, 19.00 да; 8, 9 ноябрда—соат 10, 13, 16, 19.00 да, 10
ноябрда — соат 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.

Касса ҳар кун соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилин-
моқда.
44-35-84, 44-35-91 телефонлари орқали справкалар
олиш мумкин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ВА 20.00 ДА

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI

съезди олдидан
Бутуниттифок профессионал бадий коллектив-
лар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсо-
моли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК»

АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзе-
бекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Ғулумжон ЕҚУБОВ

Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Ўзбекистон Ленин

комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва

ҚКАССР халқ артисти

</